

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ КИРИЛЛНИНГ
КАТТА РУҲОНИЙ, РУҲОНИЙ, ДИАКОН, РОҲИБЛАР ВА
РУС ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИНИНГ БАРЧА ЧИН БАНДАЛАРИГА
РОЖДЕСТВОНИНГ (ТУҒИЛИШНИНГ) ТАБРИК МАКТУБИ

Парвардигорига муҳаббат қўйган
Ҳурматли катта руҳонийлар,
Ҳурматга сазовор пресвитер ва диаконлар,
Тақводор роҳиб ва роҳибалар,
Азиз ака-укалар ва опа-сингиллар!

Бугун Муқаддас Черков бизнинг Раббимиз ва Халоскоримиз Иисус Христосини Биби Марьямдан мўъжизакор таваллуд топишини равшанлик ва қувонч билан кўкларга кўтармоқда.

«Яратувчи Ўзининг яратганини суйиб, инсон қиёфасида кўринди, у гуноҳсиз, барчамизга ўхшаган одам бўлди» (1 Тим. 3,16; Евр. 4,15) Гўдак Вифлеемнинг охурларида ётди. У оламни маънавий ва ахлоқий таназзулдан қутқариб, инсонни ўлим олдидаги қўрқувдан халос этиш учун бундай қилди. Яратган инъомларнинг энг буюгини қабул қилишни бизларга таклиф қилмоқда: Ўзининг Илоҳий муҳаббатини, ҳаётнинг мукамаллигини. Иисус Христосдан биз қўрқувни мағлуб қилувчи ишончни олмоқликка, табарруклик ва боқийликка қодир бўламиз.

У Ўзининг таваллуди, ҳаёти, азоб-уқубатлари, ҳочдаги ўлими ва шафкатли қайта туғилиши билан янги амрни – муҳаббат амрини урнатиш учун бизнинг гуноҳларга ботган дунёмизга келди. *«Мен сизларга янги амр бермоқдаман, Мен сизларни севгандек бир-бирингизга муҳаббат қўйингиз ва сизлар бир-бирингизни севинг» (Ин. 13, 34)*, – Худованда бу сўзларни ўзининг издошларига, улар орқали эса бутун дунёга: ўша вақтларда яшаётганларга, ҳозирда ҳаёт бўлганларга ва биздан кейин, охир замон келгунга қадар яшайдиганларга йўналтирди.

Ҳар бир одам мазкур амрга ўзининг ишлари билан жавоб бериши лозим. Худди Иисус Христос бизларга мурувват, камчиликларимизга чексиз марҳамат кўрсатгани каби, бизлар ҳам инсонларга нисбатан мурувватли ва марҳаматли бўлайлик. Нафақат кадрдонларимиз ва яқинларимиз ҳақида, ваҳоланки улар ҳақида биринчи навбатда ғамўхрлик қилишимиз лозим (*қаранг: 1 Тим. 5,8*), нафақат дўстларимиз ва маслақдошларимиз, балки ҳозирча Худо билан бирликни олмаганларга ҳам ғамўхрлик қилмоғимиз даркор. Биз Қутқарувчига севгига эргашмоқликка, бизларга зулм қилаётган ва дилимизни оғриётганлар учун дуо қилмоқликка (*қаранг: Мф. 5, 44*), бутун халқ, Ватан ва Черковнинг манфаатини доимо ўз фикри-зикримизда ёд олишимизга даъват қилинганмиз. Эзгу ишларни амалга оширар эканмиз, ҳар биримиз, кичик бўлсада, бизни ўраб турган атрофимизни яхшилик томон ўзгартиришга қодирмиз. Фақат шундагина биз биргаликда кучли бўламиз. Ваҳоланки бошбодоқлик худди зулмат муҳаққақ ҳаёт нурини ютиб юбора олмагани каби муҳаббат устидан ғалаба қозона олмайди (*қаранг: Ин. 1, 5*).

Ватанимиз тарихида, Худога таянган ҳолда, халқимиз қийинчиликларни енггани, энг қийин бўлган синовлардан муносиб равишда чиққани борасида кўплаб мисоллар бор. Бундай воқеаларни кўпини биз ўтган йили эсга олгандик. Биз босқинчиларни қувлаб чиқариш ва миллий birlikни тикланиши билан яқунланган Исёни бартараф этилганини 400 йиллигини нишонладик. Шунингдек, аجدодларимиз Наполеон забот этилган Европанинг барча ерларидан тўпланган турли тилларда сўзловчи улкан армиянинг босқинини даф қилган 1812 йилдаги Ватан урушининг 200 йиллигини нишонладик,


2013 йилда Русни авлиё апостолларга тенглаштирилган буюк князь Владимир томонидан чўқинтирилганини 1025 йиллигини нишонлаймиз. Православ динини қабул қилингани халқимиз ҳаётидаги янги даврнинг бошланиши бўлди. Бир вақтлар Киев тепаликларида чақнаган Христиан динининг нури ҳозирда ҳам тарихий Рус мамлакатлари аҳолисининг калбарини нурафшон қилмоқда ва бизларни эзгуликка йўлламоқда.

Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, Худовандага ва Унинг буюк ва бой саҳоватларига, У сабр қилмоқлигимиз учун юборган қайгуларига миннатдорчилик билдирамиз. Ўзининг бутун тарихи мобайнида Черков узоқ давом этувчи тинчликни билмаган: тинчлик ва хотиржамликдан сўнг албатта мусибат ва синовлар даври етиб келган. Лекин барча шароитларда ҳам Черков сўзи ва амали билан Тангри ҳақиқатини хабар қилиб келган, ҳозирда ҳам хабар қилмоқда, текин даромад, тартибсизлик, чекланмаган эркинлик, абадий ҳақиқатга илтифотсизлик, обрў-эътиборни менсимасликка қурилган жамият ахлоқий жиҳатдан носоғлом бўлади ва унга кўплаб хавфлар солинади.

Мен Худо чорлаган сабрга ва Она-Черковга, Худованданинг халқига, жонажон Ватанимизга дуо қилишга барчани чақираман. Тиллар хаворийсининг қуйидаги сўзларини доимо ёдингизда тутинг:

«Хушёр бўлинг, тақводор бўлинг, мард, қатъий бўлинг, Барча нарса сизда муҳаббат билан бўлсин» (1 Кор. 16, 13–14).

Сизларни мазкур тантана билан чин дилдан қутлайман, Худованданинг Фарзанди Иисус Христосдан барчамиз учун маънавий ва жисмоний куч беришини, ҳар биримиз ўзимизнинг шахсий намунамиз билан бутун дунёга эндиликда таваллуд топган Парвардигоримиз ва Худога муҳаббат ҳақида гувоҳлик беришимизга дуо қилиб қоламан (*қаранг: 1 Ин. 4, 8*). Аминь.



МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Христос Рождествоси (Тугилиши) 2012/2013 йил

Москва